

# Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам заиф бўлди

07:04 / 14.11.2018 2788

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида шундай марҳамат қилади:

يَسْتَفِيدُوهُ لَا شَيْئًا اَلذُّكَابُ يَسْتُهِمُ وَاِنْ لَهُمْ اَجْتَمَعُوا وَلَوْ ذُكَابًا يَخْلُقُوْنَ اَللّٰهُ دُوْنَ مِنْ تَدْعُوْنَ اَلَّذِيْنَ اِيْتٰ لَهُمْ فَاسْتَمِعُوا مَثَلٌ لِّالنَّاسِ يَتَّأَيُّهَا  
(۷۳) وَالْمَطْلُوْبُ اَلطَّالِبُ ضَعُفٌ مِنْهُ

**“Эй одамлар! Бир масал айтилмиш, бас, унга қулоқ солинг! Албатта, Аллоҳни қўйиб, топинаётган нарсаларингиз, агар барчалари бирлашсалар ҳам, битта пашша ярата олмаслар. Ва агар пашша улардан бирон нарсани тортиб олса, ундан ўшани қутқариб ололмаслар. Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам заиф бўлди”** (73-оят).

Эй одамлар, ичингизда баъзилар Аллоҳни қўйиб, турли-туман нарсаларга топиниб, уларни рози қилиш учун ҳаракат қилиб юрибдилар. Ўшаларга эътиқод қилиб, улардан бирор нарса кутиб юрибдилар. Аммо билиб қўйсинларки, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса жуда ҳам заифдир, қўлидан ҳеч нарса келмайди. Буни тушунишингиз қийин бўлса,

**«Эй одамлар! Бир масал айтилмиш, бас, унга қулоқ солинг!»**

Бу умумий масалдир. Ҳамма учун баробардир.

**«Албатта, Аллоҳни қўйиб, топинаётган нарсаларингиз, агар барчалари бирлашсалар ҳам, битта пашша ярата олмаслар».**

Бошқа катта жонзотларни қўйсинлар-у, энг кичик, энг ҳақир, энг аҳамиятсиз кўринган пашшани яратишга уриниб кўрсинлар. Ақалли, битта пашша яратиб берсинлар. Ярата олмаслар. Хўш, энди бир дона пашшани ярата олмаган бутга қандай қилиб топиниш, сиғиниш, айтганини (агар айтолса,) қилиш мумкин? Асло мумкин эмас. Умуман, ақлга, мантиққа тўғри келмайди. Қанчадан-қанча уринишларга қарамасдан, бу ишга ҳеч ким муяссар бўлгани йўқ, бўлмайди ҳам.

Бир дона пашша яратиш-ку, қийин экан, унда осонроғини қилиб кўрсин.

**«...агар пашша улардан бирон нарсани тортиб олса, ундан ўшани қутқариб ололмаслар».**

Пашша жуда заиф, жуда ҳақир жон. Аммо у сабаб бўлиб, баъзи бир касалликларни ташиб келтирса, мушриклар ва уларнинг санамлари ҳаммаси тўпланиб, ҳаракат қилса ҳам, ўша касалликдан зарар кўраётганни ёки ўлаётганни қутқариб қололмайдилар. Буни ҳамма ҳаётда кўрган.

**«Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам заиф бўлди».**

Яъни Аллоҳдан ўзганинг ибодатини талаб қилувчи ҳам, ибодати талаб қилинган нарсалар ҳам ожиздирлар. Бирон нарсга қўлларидан келмас.